

## КОНВЕРГЕНТ ДУРАГАЙЛАШ УСУЛИДА ЯРАТИЛГАН ТИЗМАЛАРНИНГ СЕЛЕКЦИОН КЎЧАТЗОРДАГИ ТОЛАСИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

**Мирхомидова Нодира Азимовна**

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот  
институту мустақил тадқиқотчиси

Толанинг сифати кўрсаткичлари ғўза навлари селекциясида асосий қимматли белгилардан бўлиб, навнинг харидорлигини таъминлайди. Тола микронейри белгиси толанинг сифатини кўрсатади. Жаҳон андозаси талабларига кўра, тола микронейри 3.8-4.9 оралиғида бўлиши лозим. Тола узунлиги тола сифатининг асосий белгиларидан бўлиб, тола пишиқлигини асослайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда яратилган навларнинг 90 %га яқини толаси 4 типга жавоб беради. Умуман олганда толанинг барча сифат кўрсаткичлари тўқимачилик саноатида ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимиз 2018 йилдаги жадвал маълумотларига кўра, тизмаларда толанинг микронейри 3,9 (Т-265-279, Т-1133-1136, Т-506-510) дан 4,5 (Т-1014-1017) гача бўлиб, андоза С-6524 навида эса 4,4 ни ташкил этди.

Нисбий узилиш кучи толанинг микронейри ва узунлигига боғлиқ бўлиб, ўлчов бирлиги г.к./текс ҳисобланади. Тадқиқотларимизда солиштирма узилиш кучи 30,1 г. куч/текс (Т-1133-1136) дан 31,9 г.куч/текс (Т-379-392) гачани ташкил этди. Ушбу белги бўйича андоза нави 30,1 г.куч/текс ни ташкил этиб, белги бўйича битта тизма андоза нав даражасида бўлиб, қолган тизмалар эса андозадан устунликни намоён этди.

Тадқиқотларимизда тола узунлиги бўйича барча тизмалар андоза С-6524 (1,23 дюйм) нави даражасида ва ундан устун бўлганлиги қайд этилди, яъни тизмаларда тола узунлиги 1,23 (Т-1014-1017) дюймдан 1,31 (Т-818-821) дюймгачани ташкил этди, яъни толаси узун бўлган тизмалар яратилди. Толанинг бир хиллилик индексига эътиборимизни қаратганимизда, тизмаларда 87,0 % (Т-265-279) дан 89,1 % (Т-506-510) гачани, андоза С-6524 навида эса 86,4 % ни ташкил этди. Қалта толалик индекси таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ушбу белги бўйича тизмаларда 5,4 % (Т-818-824) дан 7 % (Т-1014-1017) гача ораликда бўлиб, С-6524 навида эса 6,1 % ни ташкил этди. Узилишдаги узайиш андоза С-6524 навида 5,1 ни, тизмаларда 5,3 (Т-818-821) дан 6,8 (Т-506-510) гача, пишиб етилганлик коэффициенти андоза навида 84,9

## Жадвал Тизмаларда толанинг сифат кўрсаткичлари, 2018 й.

Тизмалар	Mic (Микронейр)	Str (Солиштира узилиш кучи), г.куч/текс.	UHML (Юқори ўртача узунлик) дйном	Unf (Бирхиллик индекси), %	SFI (Калта толалар индекси), %	Elg (Узилишдаги узайиш), %	Mat (пишиб етилганлик коэффициенти)	SCI (Толанинг йигирувчанлик қобилияти)
T-379-392	4,4	31,9	1,26	87,9	6,5	6,2	86,8	164
T-818-824	4,1	31,3	1,31	87,4	5,4	5,3	86,4	170
T-1014-1017	4,5	31,2	1,23	87,5	7,0	5,7	87,1	159
T-1133-1136	3,9	30,1	1,26	87,3	6,4	6,5	84,5	164
T-506-510	3,9	30,8	1,28	89,1	5,7	6,8	84,4	175
T-876-891	4,1	30,9	1,26	88,8	5,9	5,7	86,0	167
T-265-279	3,9	30,9	1,27	87,0	6,6	5,7	85,5	165
C-6524 (St)	4,4	28,1	1,23	86,4	6,1	5,1	84,9	164
ЭЖФ <sub>0,5</sub> =	1,0	0,9	1,2	1,2	1,3	1,2	1,3	1,3

и, тизмалардан эса 84,4 (Т-506-510) дан 87,1 (Т-1014-1017) гача, толанинг йигирувчанлик қобилияти андоза навда 164 ни ташкил этиб, тизмаларда 164 (Т-1288) дан 175 (Т-506-510) гачани ташкил этди.

Толанинг сифат кўрсаткичларини яхшилашда генетик-селекцион изланишларда конвергент тизмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 2018 йилги маълумотларга кўра, микронейр бўйича барча тизмалар жаҳон андозалари талаблари даражасида, солиштира узилиш кучи бўйича Т-379-392 тизмасидан а энг юқори кўрсаткич 31,9 г.куч/текс. га тенг бўлди, бошқа тизмалар ҳам 30 г.куч/текс.дан кам бўлмаган кўрсаткични намоён қилди. Толанинг бошқа сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам конвергент тизмаларда ижобий натижалар қайд этилди.

Демак, конвергент дурагайлаш усулида яратилган тизмаларнинг толасининг сифат кўрсаткичлари бўйича барча тизмалардан, айниқса толанинг солиштира узилиш узунлиги Т-379-392, Т-818-824 Т-1014-1017 тизмаларидан, толанинг юқори ўртача узунлиги бўйича Т-818-824 тизмасидан, бир хиллилик индекси Т-506-510 тизмасидан, калта толалик индекси Т-814-824 тизмасидан, узилишдаги узайишда Т-506-510, пишиб етилганлик коэффициенти Т-1014-1017, Т-379-392, Т-818-824, толанинг йигирувчанлик қобилияти Т-506-510 тизмаларидан генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.